

## ХУДОЁРХОН ЎРДАСИ МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИГИ

*Махамадаминова Саломатхон Махамадали қизи,  
Ўзбекистон Миллий университети  
Тарих факултети II-босқич магистранти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Фарғона водийсининг Қўқон шаҳри ҳудудида жойлашган Ҳудоёрхон ўрдаси меъморий ёдгорлигининг архитектураси ва қурилиш тарихи ушбу мавзу юзасидан тадқиқот олиб борган олимларнинг тадқиқотлари, асарлари воситасида таҳлил қилиниб, қисқача ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Фарғона водийси, Фарғона меъморчилиги, Ҳудоёрхон ўрдаси, пештоқ, сарой, бино, ҳовли, ўрда, меъморий ёдгорлик.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, миллий қадриятлар ва маданий меросга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиб уларга бўлган муносабат ўзгарди. Жумладан, тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш, реставрация қилиш ва улардан фойдаланиш борасида юртимизда самарали ислохотлар олиб борилмоқда<sup>1</sup>. Зеро тарихий меросни асраб-авайлаш ва ўрганиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир. Ватанимизда ҳудудида ўтган асрларнинг бебаҳо меъморий ёдгорликлари сақланиб қолган. Фарғона водийси ҳам энг қадимги одамлар қароғоҳини ўзида сақлаб қолганлини фан ҳам эътироф этмоқда. Ана шундай ноёб ёдгорликлардан бири Фарғона водийсининг Қўқон шаҳрида жойлашган Ҳудоёрхон ўрдаси меъморий ёдгорлигидир.

Ҳудоёрхон ўрдаси республикамизнинг моддий-маданий мероси рўйхатига киритилган<sup>2</sup>. Фарғона водийси меъморий ёдгорликлари қурилиш услуби кўп йиллик маданий ривожланиш маҳсули бўлиб, ранг-баранг меъморий анъаналарни ўзида акс эттирган.

Ҳудоёрхон ўрдаси меъморий ёдгорлиги ўзининг мукамал ечими, нозик дид билан ишланган безаклари билан кишиларни ҳайратга солиши табиий. Тарих саҳифаларидан мозийга бир назар соладиган бўлсак, Ҳудоёрхон ўрдаси меъморий ёдгорлигининг нафис ва мафтункор бадиий ечимлари ўз замонасининг юксак маданиятидан далолат беради. Биз биламизки, Ҳудоёрхон ўрдаси XIX асрда қурилган бўлиб, бир қанча ҳовлиларни ўзида

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат, бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. ИХТ Ташки ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги 846-сонли қарори. 2019-йил 4-октябрь.

мужассамлаштирган иморат саналади. Бинонинг кўриниши тўғри тўртбурчак шаклда. Ушбу мухташам саройга ташқи ҳовлидаги дарвоза орқали кирилган.

Ўрданинг қурилиши 1863-йилда бошланган бўлиб, 1870-йилда Худоёрхон томонидан ўз ниҳоясига етказилган<sup>3</sup>. Сарой қурилишида Фарғона водийсидан бир неча минг одам қатнашган. Барча қурилиш ишлари қўлда бажарилган. Қурилишни Қўқон хонлигининг турли шаҳарларидан келтирилган 80 нафар уста бошқарган. Режаловчи ва саройнинг бош меъмори Усто Мир Убайдулло эди. Сарой меъмортичилигида Фарғона водийсининг одатий қадимги шакл анъаналари қўлланилган. Саройнинг олди томони марказида катта пештоқ ўзининг салобатли меъмортичилиги билан ажралиб туради. Пештоқда учли шаклдаги арки бор, бу ҳам ўз навбатида аркли, кириш эшиги ўрнатилган. Пештоқда безатилган учта думалоксимон бурж(минора)лар бор. Булар Исавой Махзум устанинг ишидир<sup>4</sup>.

Бинонинг кошин ишлари: Усто Абдулло Рошидоний, ака-ука Уста Жалил ва Уста Жамил, Уста Зокир томонидан, ганч ва нақш ҳамда хаттотлик ишлари: Мулла Турдиали, Мухаммад Олим сирчи томонидан, ёғоч ва ёғоч ўймакорлиги ишлари: Уста Мухаммадниёз Панғозий ва унинг уғиллари, Уста Мелибой, Уста Махсумхужа ва бошка усталар томонидан олиб борилган<sup>5</sup>.

Атрофи боғ-роғ билан ўралган сарой асосий иморатининг томонлари 138x65 м. Бинонинг олд томони рангдор кошинлар билан безатилган. Пештоқ ёнлари ва иморат бурчаклари буржлар билан мустаҳкамланган. Пештоқ бош равоқининг усти ва унинг икки ёнбоши хаттотий изоралар билан безалган. Икки ён деворида унча чуқур бўлмаган равоқчалар бор. Олд ҳовли Бухородаги Ситораи Моҳи Хосса саройининг кираверишдаги айвончали ҳовлиси каби элчи, савдогарлар ва боша меҳмонларнинг ҳамда аёнларнинг мурожаат жойи — кўринишхонаси сифатида хизмат қилган. Бу ҳовлининг бир қисмида зарринхона ва ўнг томонида алоҳида ҳовличали сарой масжиди бўлган<sup>6</sup>.

Муаррих Мухаммад Солиҳ Тошкандий “Тарихи жадида и Тошканд” асарида янги ўрда бино бўлиши ҳақида шундай ёзади: “...ўтмиш хонларининг ўрдаси шаҳарнинг ўртасида эди. Унинг шимоли-жанубида Умархон Жомеъ масжиди жойлашган. Эски Ўрда ва Жомеъ масжиди ўртасидан Шохрох (Ўрта Осиё шаҳарларидаги асосий катта кўча) кесиб ўтган. Шохрохнинг икки четида савдо расталари жойлашган. Худоёрхон Эски Ўрдани буздириб, шу кўча яқинига янги Ўрда қурдирди... Жаноби олийларининг мадрасалари ёнидан жой танлаб, текислаб, бир майдон очдилар. Шимол, жануб, ғарб томондан ҳам анҳор

<sup>3</sup> Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнафислик.-Т.,2010., Б-100.

<sup>4</sup> Бобобеков Х. Қўқон тарихи.-Т.,1998., Б-213.

<sup>5</sup> Дадабоев Я. Худоёрхон ўрдаси.-Т., 2011., Б-27.

<sup>6</sup> Аҳмедов М.Қ.Ўрта Осиё меъмортичилиги тарихи.-Т.,1995., Б.84-85.

оқиздилар, анҳор ёнида ер бор эди... Ўрданинг тўрт томонини баланд, данданали деворлар, заррин иморатлар, баланд буйли шамшод ҳамда турли мевали ва мевасиз дарахтлар экилган хиёбонлари бўлган боғ ва чорбоғлар билан ўраб олдилар....”<sup>7</sup>.

Худоёрхон ўрдасининг маросим заллари маёлика ва ганчга ўйилган нақшлар билан уйғунликда мозаикали нақшлар билан безатилган. Шифтлари бўялган. Айвонлар мрамор плиталар билан қопланган. Анъанавий фазовий режалаштириш ечимига эга бўлган Қўқон саройи ўзининг ранг-баранглиги ва декор ёрқинлиги билан ажралиб турган. Ички безакда эса Фарғона меъморчилигига хос услублар ўз ифодасини топган. Мажмуадан саройнинг фақат шарқий олд қисми хоналарининг кириш гуруҳи сақланиб қолган<sup>8</sup>.

1938-йилда Худоёрхон ўрдасида меъмор Обид Зайниддинов бошчилигида таъмирлаш лойиҳаси ишлари олиб борилган. Таъмирлашда уста Қ.Хайдаров, наққош С.Норқўзиев ва бошқа усталар қатнашган. 1974-йилдаги илмий таъмирлаш ва лойиҳалаш ишлари натижасида саройнинг дастлабки ҳолати аниқланган. 1925-йилдан бошлаб ўрдада Қўқон шаҳар шаҳар ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатиб келмоқда<sup>9</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Худоёрхон ўрдаси меъморий ёдгорлиги моддий-маънавий меросимизнинг бебаҳо дурдонаси ҳисобланади. Ушбу меъморий ёдгорлик ўзининг таъсирчан кўриниши ва улкан кўлами билан бошқа тарихий обидаларимиздан ажралиб туради. Ушбу меъморий ёдгорликни кўрганда, бир қарашдаёқ чуқур билимга эга бўлган инсонлар томонидан бунёд этилганлигининг гувоҳи бўламиз. Фарғона водийсидаги энг йирик ва ўз даврининг архитектурасини акс эттирган ушбу ўрда ўз қиёфасида Фарғона меъморчилигининг ўзига хос жиҳатларини акс эттирган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Гинчлик, маърифат, бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Моддий-маданий мероснинг кучмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги 846-сонли қарори. 2019-йил 4-октябрь.
3. Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. -Т., 1986.
4. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. -Т., 1995.
5. Бобобеков Ҳ. Меъморчилик тарихи. -Т., 1998.
6. Вохидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнафислик. -Т., 2010.
7. Дадабоев Я. Худоёрхон ўрдаси. -Т., 2011.
8. G'afforov Sh.S., Yunusov M.A., Sharipov S.I., Saidov M.M. O'zbekiston arxitektura odgorliklari tarixi.- Samarqand., 2011.

<sup>7</sup> Дадабоев Я. Худоёрхон ўрдаси. -Т., 2011. , Б-27.

<sup>8</sup> Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. -Т., 1986., Б.24.

<sup>9</sup> G'afforov Sh.S., Yunusov M.A., Sharipov S.I., Saidov M.M. O'zbekiston arxitektura yodgorliklari tarixi. -Samarqand .,2011., Б.193.